

## «Устозим илм дунёсининг қуёшидир!»



16:00 / 25.12.2022 1688

Салафи солиҳларимиз ҳикматни қаерда ё кимда кўрса, уни ғанимат деб биладиган, илмнинг қадрига етадиган ҳимматли зотлар бўлишган. Уларда ўзларидан ёши кичик олимларга нисбатан адолатсизлик бўлмаган. “Менинг ёшим катта, кеча тухумдан чиққан бу жўжахўроз уч-тўртта китоб ўқиб олиб, ўзича ақлмирзалик қиляпти. Сенда илм бўлса менда тажриба бор” – деб ҳасад қилишмаган. Илм кимда бўлса, у ёшми ё қарими бунисига аҳамият бермасдан ундан фойдланиб қолиш пайида бўлганлар.

Аслида ҳақиқий мўмин шундай бўлиши керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:

اهب قحاً وهف اهدج و شيحف نمؤملا ةلاض ةمكحلا ةمككلا

«Ҳикматли сўз мўминнинг йўқотиб қўйган нарсасидир. Қаерда кўрса уни олишга ҳақдордир» (Термизий, Ибн Можа ривоят қилишган).

Лекин, минг таассуфки бугун биз умматлар Расулуллоҳнинг бу ҳадисини қўйиб, арабларнинг қуйидаги:

روذعم لهج و روقحم ريغصلالم

“Ёши кичикнинг илми ҳақир, билмаслиги эса маъзур” – деган мақолига амал қилиб юрибмиз. Ёшларнинг илмини, салоҳиятини қадрламаяпмиз, қадрига етмаяпмиз. Улардан фойдаланишнинг ўрнига, доврўғини чиқармасдан, оёғидан чалиш ҳаракатида юрибмиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164–241) раҳимаҳуллоҳни ҳаммамиз кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Шу зот 300 000 (уч юз минг)дан зиёд ҳадисни ёддан билган ҳофиз, ўз даврининг кўзга кўринган олими эдилар. Тўрт фикҳий мазҳабдан Ҳанбалийлик мазҳабига асос солганлар. Шунга қарамасдан, у киши ўз даврида ўзидан анчагина кичик 25 ёшли (ҳанафий мазҳаби олими имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (131–189) бўлиши мумкин) олимдан ҳам сабоқ олган эканлар ва устозининг уйларида хизматларини қилиб юрар эканлар. Бир куни Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг баъзи яқинлари у кишига эътироз билдирди:

– Ҳазрат, сиз ёшингиз ҳам улуғ, илмингиз ҳам кўп, катта олимсиз. Нега ўзингиздан 25 ёш кичик одамга шогирд бўлиб юрасиз? Унинг олдида қуллуқ қилиб турасиз? Шунда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал жавоб бердилар: – Тўғри, мен у кишидан кўра кўпроқ ҳадис ёд олганман. Аммо у зот ҳадисларнинг маъносини, фикҳини мендан яхши тушунади. Агар шу йигит бўлмаганда биз илм-маърифат уйининг ичига кира олмай, эшик олдида қолиб кетган бўлардик. Аллоҳ унга ўзгача иқтидор ато қилган. Ҳадис ва хабарларнинг асл маъзини жуда яхши фаҳмлайди. Бу устозим илм дунёсининг қуёшидир!

Авазбек Мўминов,

Андижон шаҳар “Чинор” жоме масжид имом хатиби